



НОКИМИ

ХОКИМИ

ҚАРОР

2006 йил "20" ИЮН

№ 1305-к

«Зоҳидова Санталат Ҳамидовна» фермер
хўжалиғига мева-сабзавотларни қайта
ишлаш ва қуришни цехи қуриш учун
1,0 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Самарканд туман ҳокимлиғи ҳузуридаги ер участкаларини кишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи), деҳқон ва фермер хўжалиқларига ва бошқа ташкилот, корхоналарга узок муддатли ижарага бериш (соғиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссиясининг 2006 йил 12 июндаги 3 сонли баённома-хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, собиқ Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиғи ҳудудида фаолият курсатиб келадиган «Зоҳидова Санталат Ҳамидовна» фермер хўжалиғининг 2006 йил 9 июндаги 1 сонли йиғилиш баённомаси ва туман ҳокимлиғига ёзган алоқа хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1 «Зоҳидова Санталат Ҳамидовна» фермер хўжалиғига мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қуришни цехи қуриш учун фермер хўжалиғига ажратилган ер майдони харитасининг 135 ва 136 рақамли контури ҳисобидаги 1,0 га сувли 54 балли ер майдони ажратиш ҳақидаги Самарканд туман ҳокимлиғи ҳузуридаги ер участкаларини кишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи), деҳқон ва фермер хўжалиқларига ва бошқа ташкилот, корхоналарга узок муддатли ижарага бериш (соғиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссиясининг 2006 йил 12 июндаги 3 сонли баённома-хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва «Зоҳидова Санталат Ҳамидовна» фермер хўжалиғининг 2006 йил 9 июндаги 1 сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 16 майдаги 223 сонли қарорининг 1 иловасига асосан ажратилган 1,0 га 54 балли сувли ҳайдалма ер майдони учун 302140 сум пул миқдори вилоят ер ресурслари бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига утказиш ҳақида мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қуришни цехи қуришда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 рақамли моддаларига амал қилинган молда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан утказиш вазифаси «Зоҳидова Санталат Ҳамидовна» фермер хўжалиғи раиси Зоҳидова Санталатга топширилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Маъқур қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан суратлсин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев